Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 2 декабрь, шанба. №147. (21.910) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ИДОРАЛАРИ ВА НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Халқаро ногиронлар куни муносабати билан қўйидагилар мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

КОРОТЧЕНКО Владимир Петрович — «Матонат» ногиронларни спорт-соғломлаштириш клуби бўлими мудири.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

САУШКИН Александр Николаевич — 1 - Тошкент шаҳар ногирон болалар интернат уйининг жисмоний тарбия инструктори;

ҚАНААТОВ Абдуҳаким Хидоятович — «Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий бирлашмасининг ҳайдовчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН

ЖАМОЛОВ Жумабой — «Қорақалпоғистон чернобилчилари» ассоциацияси раиси;

ИСЛАМОВА Маҳмуда Раҳимовна — 1-Тошкент шаҳар ногирон болалар интернат уйи тарбиячиси;

МУҲАМЕДОВ Тоҳир Маҳмудович — Карлар жамиятига қарашли Сирғали ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси;

ШОРАҲМЕДОВ Шожалил Қодирович — Ижтимоий таъминот вазирлиги ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 декабрь.



Болам, билсанг, мустақиллик бу — бахт!

Таҳририятимизга Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида қилган нутқларини ўқиб, эшитиб ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдираётган юртдошларимиздан кўплаб мактублар келаётир.

ҲАЛОЛЛИК — ҲАЁТ ТАРЗИ

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида Президентимиз нутқини ойнаи жаҳон орқали зўр ҳаяжон билан кузатиб турдик ва газеталарда қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Айниқса юртбошимиз нутқларида қишлоқ аҳолиси талаб-эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, уларнинг кундалик эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, бунда жумладан, уларга маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш вазифаси кескин қўйилди.

Узоқ-узоқ қишлоқларда яшовчи деҳқон бузилиб қолган телевизорини ёки музлатгичини отаравага юклаб туман марказидан уста топа олмай шаҳарга қатнаши керакми?

Агар шаҳарда — вилоят марказида ҳам маиший хизмат ана шундай аҳволда бўлса-чи? Унда қаёққа борсин? Юртбошимизнинг бу ва бошқа муаммолар ҳақида айтган ҳаққоний фикрлари бошқа кўпгина вилоятларга ҳам тааллуқлидир, албатта.

Мен бир оддий ишчи сифатида ҳар бир киши, айниқса раҳбар, ўз жойида, ўз хизмати доирасида ҳалол, ташаббус билан ишлашни ҳаёт тарзига айлантирсагина жойларда ночор аҳвол юз бермаслигига ишонаман. Негаки, қишлоқ аҳли меҳнаткаш, бунёдкор, эзгуликка интилиб яшашлигини яхши биламиз. Уларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш эса биринчи галда мутсаддилар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ниғмат СОЛИҲОВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

ИЛҲОМБАХШ ОМИЛ

Юртбошимизнинг матбуот, радио ва телевидение фаолияти хусусидаги мулоҳазалари бизнинг жамоамиз учун катта сабоқ бўлди. Яъни ўз ишимизга танқидий назар билан қарашга ундади.

Биз бундан кейин газета саҳифаларида танқидий руҳдаги материалларни кўпайтиришимиз лозим эканини уқдик. Албатта, танқидий мақолалар эришилган ютуқларга соя солмаслиги, аксинча, танқид таҳлилий руҳда бўлиши ва ундан келгусида умумишимизга манфаат етиши зарур.

Матбуот тўртинчи ҳокимият дейилади. Шундай экан, ҳаётимиздаги камчилик ва нуқсонларни фош қилишгина эмас, уларни бутқул бартараф этиш, танқидий мақолаларнинг натижаси билан қизиқиш ҳам матбуотнинг вазифаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз зарур. Бу ишда матбуот ўрта ва қуйи бўғин раҳбариятига, фаол жамоатчиликка, қолаверса, халқнинг ўзига таянади.

Рўзи НУРМАТОВ,
«Қашқадарё ҳақиқати» газетаси муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИДА

30 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Котибият Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг 1995 йил ноябрь-декабрь ойларида, партия Низомига мувофиқ, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан муайян ишлар қилганликларини таъкидлаб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон ХДП сайланма органлари аъзолари, партиямиздан сайланган депутатлар йиғилишларни тайёрлаш ва уларни ўтказишда ёрдам беришлари учун бошланғич партия ташкилотларига бириктириб қўйилди. Барча вилоятларда партиямиз шаҳар, туман кенгашларининг биринчи котиблари, шаҳар ва туманларда эса, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари учун семинар-кенгашлар ўтказилди, йиғилишларни ўтказиш жадвали тасдиқланди, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилинди. Буларнинг ҳаммаси ҳисобот-сайлов йиғилишларининг аксарияти уюшқоқлик билан, мазмунли ўтишига, қилинган ишларни танқидий руҳда баҳолаш, ҳар бир партия ташкилоти олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб олишга имкон бермоқда.

Шу билан бирга, йиғилишларни тайёрлаш, уларни ўтказишда баъзи бир партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари хато ва нуқсонларга йўл қўяётганликлари ҳам мажлисда кўрсатиб ўтилди. Масалан, Тошкент вилоят партия кенгаши бу муҳим сиёсий мавсумни муваффақиятли ўтказишни таъминлаш буйича аниқ тадбирларни олдиндан ишлаб чиқмаган. Қарши шаҳар партия кенгаши барча йиғилишларни атиги йигирма уч кун ичида ўтказиб бўлишни режалаштирган. Унга кўра, шаҳарда ҳар куни 10-11 тадан мажлис бўлиши керак. Ишни бундай жадаллаштириш ушбу тадбирларнинг сифатига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Баъзи жойларда йиғилишларни ўтказиш учун ноқулай вақт танланяпти. ХДП аъзолари ҳамиша ҳам мажлислар ҳақида олдиндан хабардор этилмаяпти, йиғилишлар ўтадиган жойларни ҳозирлаш ҳамда партия аъзоларининг мажлисда тўла қатнашишини таъминлаш масаласига етарли эътибор берилмаяпти. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилоятида, хусусан, Тошкент шаҳрида ўтаётган йиғилишларда ХДП аъзоларининг уларда иштироки кўрсаткичи республикадаги ўртача даражадан паст. Энг жиддий камчиликлардан бири, деб таъкидланди Котибиятда, йиғилишларга партия аъзоларини олдиндан тайёрламасликдир. Оқибатда музокаралардаги айрим нутқлар юзаки бўлиб қолмоқда, бир қатор ҳолларда ижроия бюро ёки котиб фаолиятига баҳо бериш билан чекланиб қолинмоқда.

Котибият Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳисобот-сайлов йиғилишларини юксак савияда ўтказиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш, юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни зудлик билан бартараф этишни топширди. Асосий эътиборни йиғилишларнинг бориши ҳақидаги масалани шаҳар, туман партия кенгашлари ижроия бюроларида кўриб чиқиш, бунда мажлисларни пухта тайёрлаш, партияни ташкилий-сиёсий, ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларига, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга қаратиш тавсия қилинди. Токи, ҳисобот-сайлов мавсуми бошланғич ташкилотларимиз ва бутун партиямиз фаолиятини янада такомиллаштиришда ўзига хос босқичга айлансин.

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партиямиз марказий матбуот нашрларига 1996 йил учун обунани уюштириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан, обуна мавсумининг бориши, у, айниқса, қониқарсиз йўлга қўйилган, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлар кенгашлари биринчи котиблари: Ҳ. Эрматов, Р. Облоёров, Г. Субҳонова ва Д. Воҳидовларнинг ахборотлари тингланди.

Партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, мазкур ҳужжатга биноан, обунани уюштириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмоқдалар, ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш, шунингдек, ХДП фахрийлари, нафақахўрлар, эҳтиёжманд кишилар, кўп болали оилаларни хўжаликлар, ташкилотлар ҳисобидан обуна қилдириш имкониятини қидирмоқдалар. Партиямиз марказий нашрлари таҳририятлари ҳам обунани кучайтиришга ёрдам берадиган турли тадбирларни ўтказишяпти. Аммо, улар етарли эмас. Шу боис обунанинг бориши жиддий ташвиш туғдирмоқда. Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари, Қорасув шаҳар, Учқўргон, Оқолтин, Ҳазорасп, Шовот, Янгибозор, Деҳқонобод, Касби, Вобкент, Қоровулбозор, Ёзёвон, Сўх ва бошқа қатор туман ҳамда шаҳар партия ташкилотлари обунани уюштиришда ўзибўларчиликка йўл қўйганликлари учун қаттиқ танқид қилиндилар.

Котибият вилоятлар, шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котибларига, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали бош муҳаррирларига обунани ташкил этиш масаласи буйича қарорни бажариш юзасидан ниҳоятда суст иш олиб бораётганликларини кўрсатиб ўтди. Уларга бу соҳадаги нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, 1996 йил учун партиямиз марказий матбуот нашрларига обунанинг зарур даражасини таъминлаш мажбурияти юклатилди.

Марказий Кенгаш Котибияти Ўзбекистон ХДП матбуот нашрлари раҳбарларига юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари олдига қўйган талаб ва вазифаларидан келиб чиқиб, партиямиз ташкилотлари фаолияти, шу жумладан, ҳисобот-сайловлар боришига доир чуқур мазмунли, юксак савиядаги ранг-баранг материалларни, партиядошларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги иштирокини ишончли мисоллар билан ёритишни, газеталаримиз ҳамда «Мулоқот» журналининг ҳар бир сонини ўқувчилар учун қизиқарли бўлишига эришиш вазифасини топширди.

Мажлисда обунанинг якуни буйича мазкур масалага яна қайтиш лозим, деб топилди.

Йиғилишда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот маркази.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ХАЛҚИМИЗ МУШТАРАКЛИГИНИНГ КАФИЛИ

Маълумки, ҳар қандай бошқа ҳуқуқий ҳужжат каби, жамиятнинг Асосий Қонуни ҳам, у қандайин мафтункор тарзда битилган бўлмасин, ўзининг мазмуни, моҳияти, моддаларида ифодаланган қоида ва тамойилларнинг рўёбга чиқишини таъминловчи зарур мурватлар мавжуд бўлгандагина муайян ижтимоий қимматга эга.

Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунига мувофиқ, мамлакатимиз Президенти республикадаги давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида, юртимиз ҳудудида Конституция ҳамда қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Мазкур қоида Президент қасамёди матнидан ҳам ўрин олган бўлиб, у Конституциямизни ҳаётга тадбиқ этилишини таъминловчи муҳим мурватлардан бирига ишора қилади.

Президент ўзининг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларига кафиллиги ваколатини Асосий Қонун унинг зиммасига юклаган масъулияти доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакат Президентига унинг мазкур ваколатини амалга ошириш бўйича устувор йўналишлар мажмуини ҳам белгилаб берган. Айни пайтда, ушбу устувор йўналишлар, ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясини ҳаётга тадбиқ этишнинг, аксарият ҳолларда ҳам мазмунини, ҳам мурватларини ташкил этади.

Конституциядаги мазкур йўналишларни воқеликка айлантириш, уларни турмушимизда қарор топтириш давлат бошлиғидан тегишли тарздаги назарий, сиёсий ҳамда амалий фаолиятни талаб қилади.

Шу боисдан, биз истиқлолимиз учун тақдириломон аҳамиятга моликлиги, юртимизда қурилаётган жамиятнинг барча туб негизий қадриятларини ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли Асосий Қонунимизда ифодаланган мана шундай устувор йўналишлардан бири — Ўзбекистон халқи муштараклигини янада мустаҳкамлаш борасида юртбошимиз амалга ошираётган кўп қиррали фаолиятнинг айрим жиҳатлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Жаҳон умумдемократик тараққиёти ва ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасига таянган Асосий Қонунимизда диёримиз халқи муштараклигини янада мустаҳкамлаш чораси унинг 4-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» ҳамда 8-моддасидаги «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деган қоидаларига изчил амал қилиш билан узвий боғлиқ тарзда қўйилган.

Хўш, биз учун халқимиз муштараклиги масаласи бундайин долзарблигининг сабаблари нимада?

Биринчидан, қадимий Ватанимиз, халқимиз тарихининг тарқоқликка, бош-бошдоқликка, ўзаро ички низоларга мансуб даврлари бизни ҳамиша ўзлигимизни қўлдан бой беришимизга, тобеликка тушишимизга олиб келди.

Иккинчидан, жаҳоннинг ҳозирги кундаги илғор мамлакатларида бундайин иллатларга йўл қўйишнинг эҳтимолий аянчли оқибатлари аллақачон англанган, улардаги фуқароларнинг ижтимоий онгида ягона, яхлит ватан тушунчаси, туйғуси кенг ва чуқур илдиз отган, ўз навбатида, ушбу тушунча ҳамда туйғу иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий турмуш тарзининг тегишли чоралари билан мустаҳкамланган.

Учинчидан, фуқаролар, халқ муштараклиги, жипслиги ҳамиша тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва, шу боисдан, яратувчанлик меҳнати, маданий ривожланиш омили бўлган. Айни пайтда, тарқоқлик, айирмачилик, тенгсизлик эса уруш-жанжал, тўс-тўполонлар, алғов-далғовларнинг сабаби, демакки, бунёдкорлик, ижтимоий равнақнинг кушандаси бўлган. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Конституцияси, дарҳақиқат, «Ҳар бир инсон, бирор бир айирмачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, мазкур Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак»лиги ҳақидаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаси билан тамомила ҳамоҳангдир.

Ушбу қоидага содиқлик Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури, Низоми ва унинг бошқа муҳим ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, табиий-тарихий равишда ўз давлат мустақиллигига эришган мамлакатимиз учун бу қадриятлар қанчалик муҳим бўлса, бамисоли миллий истиқлолимизнинг худди шундай табиий-тарихий, сиёсий ҳосиласи, омили бўлмиш партиямиз, унинг туб манфаатлари, истиқболи, фаолияти учун ҳам улар шундай даражада муҳимдир.

Шулар ва тегишли амалий фаолияти туфайли ҳам бизнинг партиямиз ўз сафларида жамиятимизнинг нафақат ижтимоий, балки, миллий таркибини ҳам мужассамлаштиришга муваффақ бўлган бўлса, ажаб эмас.

И. А. Каримов ўз фаолиятининг ҳамма босқичларида, ўзининг деярли барча дастурий аҳамиятга молик чиқишлари, асарлари ва нутқларида Ўзбекистон халқлари муштараклигининг аҳамияти ҳамда уни янада мустаҳкамлаш йўллари ҳақида гапирмоқда, буни илмий-назарий жиҳатдан асосламоқда, тегишли тарздаги сиёсий ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Юртбошимиз томонидан диёримиз халқлари муштараклиги аҳамиятининг илмий-назарий асосланишини, биз, авваламбор, қуйидаги унинг қоида ва хулосаларида кўрамиз:

Биринчидан, мустақиллик туфайли кишиларимизнинг она-Ватанимизга, она-заминга бўлган муносабатлари янгича маъно ва мазмун касб этмоқда. Бугун юртимизнинг ҳар бир фарзанди ўзини унинг узвий бўлаги, деб ҳисобламоқда ва бу билан фахрланмоқда. Мазкур ҳолатни бизга мустақиллик берган энг дастлабки буюк туҳфа, десак мутлақс адашмаган бўламиз.

Иккинчидан, ҳаётимизда юз бераётган барча ўзгаришларнинг туб илдизи бу — халқимизнинг маънавий-ахлоқий уйғонишидир. Ўзимизнинг миллий маънавий-ахлоқий қадриятларимизни қайтадан тиклар эканмиз, биз мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча халқлар, миллатлар вакиллари

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!



Газетамизнинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

ХАЛҚИМИЗ МУШТАРАКЛИГИНИНГ КАФИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда). билан ҳамкорлик қилишни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаётирмиз. Ишончимиз комилки, дейди Президент И. А. Каримов, бундайин йўл, нуқтаи назар, шубҳасиз, мамлакатимизнинг энг катта бойлиги — тинчлик ва осойишталик ҳукмронлик қилишига хизмат қилади.

Учинчидан, фақат халқимизнинг жипслиги, муштараклиги, фуқароларимизнинг бир-бири ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларнинг ўзаро меҳр-оқибатлилиги туфайли эришиладиган ижтимоий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик негизидагина биз она заминимизда замонавий иқтисодий, ижтимоий, сиёсий дастакларга асосланган қудратли,келажаги буюк давлат ҳамда инсонийлик, адолатга таянган фуқаролик жамиятини барпо этишимиз мумкин.

И. А. Каримов, нафақат Ўзбекистонда, балки, нуфузли хорижий мамлакатлар арбоблари томонидан ҳам тан олинган йирик давлат арбоби, таниқли сиёсий намоянда, фаол амалиётчидир. Президентимиз, дарҳақиқат, ғояларни илгари суриш билан бирга, ундан ҳам кўпроқ, уларни амалга оширишни хуш кўрадиган давлат арбоби эканлигини кўпчилик яхши билади.

И. А. Каримов Ҳадиси Шарифнинг «Ватанни севмоқ иймондандир!» иборасига, биз учун ўзига хос, янгидан жон ато қилган бўлса, «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», деган пурҳикмат иборанинг муаллифи сифатида бутун фаолиятини унинг мазмунини воқеликка айлантиришга сарфламоқда.

Афсуски, айрим муаллифлар Ватанни у Ватан бўлгани учун севмоқ керак қабилидаги сўзларни тўтиқуш мисоли қайтаришдан нари ўтмаётирлар. Зотан, бу ерда шундай бир табиий савол туғилади: хўш, «Ватанни севмоқ иймондан...!» бўлса, у ҳолда, иймон, яъни кишилардаги Ватанни севмоққа ундовчи ички, руҳий, маънавий куч қаердан пайдо бўлади? Ахир, Ватан сўзининг олдига, одатда, бежиз «она» сўзи қўшиб айтилмайди-ку! Албатта, онани севмаслик қандайин мумкин бўлмаса, Ватанни севмаслик ҳам шундайин беимкон нарса бўлмоғи лозим. Бу, ўз навбатида, шуни ҳам англатадики, онанинг ўз фарзандига нисбатан қандайин олижаноб фазилатлари, бурчи, садоқати бўлса, Ватан ҳам ўзининг ҳар бир фуқаросига нисбатан шундайин муносабатда бўлсагина, уни севмасликнинг иложи сира қолмайди. Ватанни севмоқ ахлоқий тамойил бўлибгина қолмай, у ҳаётий талаб даражасига кўтарилмоғи зарур. Ватанни, фақат «киндик қони» тўкилган жой сифатида («киндик қони» турли сабабларга кўра, тўғри келган жойда тўкилавериши мумкин) эмас, балки, у инсонни унинг барча инсоний—ўзини рўёбга чиқаришни — меҳнат қилишни, у орқали иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий, турмуший эҳтиёжларини, унинг «етти пуштини биладиган», тили бир, дили бир, дини бир қавми орасида мумкин қилувчи жаҳонда энг яхши, мақбул макон эканлиги учун севиш муҳимдир. Бу ўринда Алишер Навоийнинг қуйидаги сўзларини эслаш кифоя:

«Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама».

Мабодо; туғилиб ўсган маконинг ҳали бу талабларга тўла-тўкис жавоб бермаса — сенинг фарзандлик бурчинг, Ватанингга садоқатинг — уни жаҳоннинг энг юксак талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш учун жонфидойилик билан, сидқидилдан хизмат қилишингдан иборат бўлади. Зеро:

«Ҳақ учун курашгин, юрак дов берса,
Зулматни қўпоргин,
қўлингдан келса»,
деб бекорга айтилмаган!

Ушбу ҳақиқатни тўла ва чуқур ҳис этган Президентимиз, тамомила ҳақли равишда, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросини «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?», деб эмас, балки «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?», деб ўйлашга ва яшашга ундамоқда.

Ўзбекистонда илдиз отаётган миллий истиқлол маънавиятининг бош мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик иллатларидан холи, мустақил инсонни шакллантиришдир.

Бироқ, бу ўз-ўзидан юз бермайди. Шу боис, юртбошимиз иқтисодиётимизни, бутун ҳаёт тарзимизни ҳал қилувчи омилини ҳам, мутлақо ҳақли равишда, одамларимизнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришда, бунга эришишнинг калитини, ечимини эса мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришда, мулкнинг эгасини топиб унга беришда кўрмоқда, мазкур йўналишда изчил сиёсат олиб бормоқда. Натижада, бугун мамлакат миллий даромадининг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ва савдонинг деярли бутун ҳажмини тобора ўсиб бораётган, давлатга қарашли бўлмаган, шўъба бермоқда. Яқин ўтмишда биз буни ҳатто хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик.

Янгиланиш, ҳуқуқий давлат қуриш, демократик тартиботларни қарор топтириш йўлидан изчил, дадил бораётган юртимизда истиқомат қилувчи ҳар бир киши учун фақат ва фақат барқарорлик ҳамда хавфсизлик, миллий ҳамда фуқаролар тотувлигини таъминлаш йўли орқали бутун халқ фаровонлигига эришиш мумкинлиги, эндиликда, оддий ҳаётий ҳақиқатга айланганлиги аён бўлиб қолди.

ГФР Президенти Роман Герцогнинг юртбошимизнинг унинг мамлакатига яқинда қилган ташрифи чоғида «немис фирмаларининг Ўзбекистонга қизиқиши унинг (яъни Ўзбекистоннинг — А. Ж.) келажагига бўлган ишончининг белгисидир», дегани Ватанимиз истиқболига фақат немисларнинг умидбахш ишончидангина далолат бермаса керак?!

Жамиятдаги нафақат иқтисодий, балки, барча ижобий ўзгаришлар юксак маънавият, фаол ақл-заковат, ижодий тафаккур заминидагина юз бериши мумкин. Истиқлолимизнинг илк босқичида ўзининг, маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фусункор ибораси билан, айниқса, зиёлилар қалбида олов ёқиб юборган Президентимиз, ҳамон биз учун ҳозир ҳам энг муҳими — кишилар тафаккури, уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, халқимиз шуурига демократик қадриятларни сингдиришдан иборатлигини алоҳида таъкидламоқда. Зеро, мамлакатимиз, эришган муваффақиятларимизга қарамай, ҳозирча чинакам сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланишларнинг дастлабки босқичида турибди.

Айни пайтда биз шуни ҳам биламизки, яқин йилларда аҳволимиз яхши томонга бутунлай ўзгариб кетади. Президентимизнинг фикрича, кейинги йиллар мобайнида қўлга киритган энг улкан ютуғимиз — Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ортга қайтмаслик йўлидан тобора юксалиб бораётгани, уларни халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланилаётганидир. Бу, ўз навбатида, эртанги кунимизга бўлган комил ишончимизнинг асосий гаровидир.

Юртимизда юз бераётган тақдириломон ўзгаришларнинг бошқа жиддий таянч нуқталари ҳам бор. Улар ҳам халқларимизнинг туб, жумладан, сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти бундан буён сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, деган қоидасини воқеликка айланишининг кафили ҳам юртбошимиз эканлигини унинг фаолияти аниқ-равшан намоён қилмоқда. И. А. Каримов айтганидек, давлат бизда сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг манфаатларини ҳимоя этади. Зеро, турли фикрларни эркин-эмин ифода этиш мумкин бўлган демократик жамият давлат тузуми барқарорлигининг, фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ишончли кафолати бўла олиши мумкин.

Бу ўринда, биз масаланинг яна бошқа бир томонига эътиборни қаратмоқчимиз. У ҳам бўлса — давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг демократик тамойилларга мойилликларининг ҳал қилувчи омили ҳақидаги масаладир. Мазкур омил Ўзбекистон халқи муштараклиги, уни янада мустаҳкамлаш вазифасини адо этиш билан бевосита боғликдир.

Биз бу ерда қуйидаги саволга жавобни назарда тутмоқдамиз:

Хўш, жамиятнинг сиёсий институтларини қайси куч, ҳал қилувчи омил демократия талаблари доирасида ушлаб туради? Мазкур саволга жавобни биз Асосий Қонунимизнинг ўзидан топамиз. Бу ҳақда унда, жумладан, шундай дейилади: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Ушбу қоиданинг Ҳадиси Шарифнинг қуйидаги жумласи билан тамомила ҳамоҳанглиги бизнинг диққатимизни тортмай сира иложи йўқ: «Ўзларинг қанақа бўлсаларинг, шунақа одамлар сизларга бошлиқ қилинади».

Худди мана шунинг учун ҳам Президентимиз Ватанимиз демократик тараққиёти истиқболларини, ислоҳ қилиш жараёнларининг аниқ, инсоний мақсадларга йўналтирилган бўлишлигини, уларнинг олға босиши ҳамда натижаларининг самарадорлигини фуқароларимизнинг савияси, сиёсий маданияти билан боғламоқда, яъни, буларнинг ҳаммасига эришишни, пировардида, халқимизнинг ўзига боғлиқ эканлигини уқтирмоқда, мазкур омилнинг таъсирчанлигига эришишнинг зарур тадбирий чораларини кўрмоқда. Зеро, унинг фикрича, фақат юқори маълумотли, маданиятли ҳамда касби жиҳатдан етук шахсгина эркин, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин.

Хуллас, жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш, мустаҳкамлигимизни ортга қайтмайдиган бўлишлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг тинчлиги ҳамда осойишталигини асраб-авайлаш,аҳолимизни, хусусан, унинг эҳтиёжманд табақаларини изчил ижтимоий муҳофаза қилиш марказида Инсон, ҳур Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси турганлиги — мазкур йўлнинг карвонбоши — мамлакат раҳбарининг ўз халқи — юртида, ўзбеклар билан бир қаторда, истиқомат қилувчи 130 дан зиёд миллат, элатлар вакиллари муштараклиги, яқдиллиги аҳамиятини юксак даражада қадрлаши ва, шу боис ҳам, буни янада мустаҳкамлашни ўзининг кўп қиррали фаолиятининг бош мазмунига айлантирганлигидан далолат беради.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби.

Ҳисобот-сайловлар

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилоти котиби К. Абдугаффоровнинг ҳисоботи тингланди. Маърузачи ва музокараларга чиққанлар бошланғич партия ташкилотининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, хўжалик ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида гапирдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бошланғич партия ташкилоти ижроия бюроси фаолияти қониқарли, деб топилди. К. Абдугаффоров яна котиб этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Ш. Чилгашев ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Қувондиқов қатнашдилар.

Шу куни жамоа хўжалиги ҳисобидан 30 киши «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилинди.

Қўчқор САТТОРОВ.

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари, масъул ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари олдида турган биринчи галдаги вазифалар муҳокама этилди. Йиғин иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган масалалар ҳар бир партия ташкилоти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Партия етакчилари, мамлакатимиз миқёсида амалга ошираётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда, шаҳар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда бошланғич ташкилотларнинг ўрнини аниқ белгилаб олиш зарурлиги хусусида фикр алмашдилар.

Шунингдек, мазкур йиғинда шаҳар партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши, партия нашрлари обунасига тегишли масалалар ҳам муҳокама қилинди.



Юртимиз миллий гиламчилиги. Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Туркия пойтахти Анқарада Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатлар парламент ассамблеясининг олтинчи сессияси ўз ишини тугатди. Анжуман чоғида Қора денгиз соҳилидаги давлатларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини тараққий эттириш, визалар беришни соддалаштириш, экология муаммолари, Қора денгиз университетини таъсис этиш, минтақада тарихий қадриятларни ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

НАТО БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Озарбойжон яқин кунларда НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекади. Озарбойжон расмий делегацияси таркибида Лондонга келган республика ташқи ишлар вазири Ҳасан Ҳасанов шуни маълум қилди.

«Ушбу дастур доирасида Шимолий Атлантика блоки билан ҳамкорликнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ, деди Озарбойжон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари. Биз бу алоқалар Россия Федерацияси билан ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришга ҳеч қандай халақит бермайди, деб ҳисоблаймиз».

БЕШИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Туркманистон пойтахтида Тожикистондаги муҳолиф томонлар ўртасидаги музокараларнинг 5-босқичи бошланди. Тожикистон ҳукумати делегациясига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари М. Убайдуллоев раҳбарлик қилмоқда. Тожикистоннинг «Ҳовар» ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Президент Имомали Раҳмонов «Бешинчи босқич тожикистон мушкул музокаралар жараёнининг якунловчиси бўлиши керак»лигини таъкидлаган.

ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг октябрь ойида Болтиқ мамлакатлари орасида Литвада пул қадрсизланиши энг юқори даражада бўлди. Республика статистика департаментининг хабар беришига қараганда, октябрда Литвада пул қадрсизланиши 3,2 фоизни ташкил этган. Эстонияда бу кўрсаткич 3,1, Латвияда эса 1,6 фоизни ташкил этди. Ўтган 10 ой ичида пул қадрсизланиши даражаси энг юқори бўлган Болтиқбўйи давлати ҳам Литвадир. Бу муддат ичида мамлакатда пул қадрсизланиши 26,7 фоиздан иборат бўлди.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КЕЛДИ

Куба Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Фидел Кастро Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цзэмин таклифига биноан ўн кунлик дустона расмий ташриф билан Пекинга келди. Бу Куба раҳбарининг икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатганидан буён илк сафаридир. Маълумотларга қараганда, Цзян Цзэмин билан Фидел Кастро учрашув чоғида ўз мамлакатларидаги сиёсий ва ижтимоий аҳвол, шу билан бирга бошқа халқаро муаммолар ҳақида фикрлашади.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Афғонистонда ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги «Толибон» ҳаракати ўртасида жанглар ҳамон давом этмоқда. Кеча Бурҳониддин Раббоний қўшинлари ҳужумга ўтиб, мамлакат пойтахтининг жанубишарқидаги иккита муҳим стратегик жойни эгаллашга муваффақ бўлди. Қобул радиосининг хабар беришича, Президент тарафдорлари қаттиқ жанглардан сўнг Пули-чарҳий ҳудудини «Толибон» гуруҳидан тозалашга эришган.

БОШ ВАЗИРНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

Греция Бош вазири Андреас Папандреу саломатлиги ёмонлашгани боис ҳамон оғир аҳволда. Ҳозир у «сунъий буйрак ва нафас олиш аппарати» ёрдамида ҳаёт кечирмоқда. Грециянинг 76 ёшли Бош вазири 20 ноябрь куни нафас олиши қийинлашгани туфайли Афина кардиохирургия марказига келтирилган эди.

САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Европадаги бир неча мамлакатлар бўйлаб сафари бошланди. У расмий ташриф билан Буюк Британияга келди. Лондон аэропортидаёқ, АҚШ Президенти Британия ва Ирландия ҳукумати раҳбарлари Жон Мейжор ва Жон Брутон билан биргаликда матбуот анжумани ўтказиб, Европага Босния ва Герцеговина ҳамда Шимолий Ирландиядаги ички низоларни барқарорлаштиришда кўмаклашиш учун келганини айтди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Диққат, янгилик!

ЯНГИ АНТИФРИЗ ЦЕХИ

Совуқ тушганда автомобиллар двигатели учун антифриз зарур. Уни маҳаллий саноат маҳсулотларидан ҳам тайёрласа бўладими?

Ҳаётимизни транспорт воситалари — автомобилларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Уларнинг ички ёнув двигателларида совуқда музлаб қолмаслиги учун совитувчи суюқлик — антифриз қуйилади. Хўш, бу суюқлик мамлакатимизда ишлаб чиқариладими? Кўча-кўйда шиша идишларга қуйиб сотилаётган кўкиш суюқлик антифризми? Шу сингари саволлар беихтиёр ҳаёлимга келди...

Албатта, ҳақ гапни айтган маъқул. Дўконлардаги тасоль совитувчи суюқлик этиленгликоль асосида тайёрланган бўлиб, у талабга жавоб беради. Аммо у четдан катта харажат эвазига келтирилмоқда. Бундан ташқари шуни қайд қилиш лозимки, унинг таркибида этиленгликоль бор-у, аммо тенг ярми сув. Яна кўчаларда шиша идишларга қуйиб сотилаётган антфризлар ГОСТ, ТУ талабларига жавоб бермайди, зарур занглатмайдиган восита — ингибитор қўшилмайди. Бундан ташқари ранг берувчи моддалар пала-партиш қўшилган. Ҳолбуки, «қўлбола» антифриз тайёрловчилар ва арзон экан, топилгани шу, деб ўйловчи харидорлар автомобиль двигателининг антифриз юрадиган системаси олти ва ундан ортиқ металлардан тайёрланишини эътиборга олиб қўйсалар, ёмон бўлмас эди.

Ана шу камчиликлардан ҳоли мамлакатимиз кимё саноати маҳсулоти — глицерин асосида антифриз ишлаб чиқарадиган цех Тошкент шаҳридаги «Равшан» очиқ турдаги ҳиссадорлик уюшмасида қад кўтарди. У Тошкент айланма йўлининг саноат ҳудудида жойлашган.

Янги цехда ишлаб чиқариладиган антифриз таркибига ички ёнув двигатели совутиш системасининг барча металларини занглашдан ҳимояловчи восита-ингибитор қўшилади. Унга керак бўладиган моддалар мамлакатимиз кимё саноати маҳсулотлари ва чиқиндилари асосида тайёрланади. Тошкент кимё-технология институти профессори Ф. Қурбонов раҳбарлигидаги бу ишга республика Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан патент берилган. Янги антифриз республика давлат стандарт иш марказида ўтказилган ва сифат гувоҳномасига эга.

Энди ҳайдовчилар ана шу корхонада ишлаб чиқариладиган антифризни ўз автомобилларида фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Абдуваҳоб ИКРОМОВ,
кимё фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон ва Миср маданий ҳамкорлиги доирасида ўзбекистонлик икки гуруҳ талаба кўҳна Миср олий ўқув юртларида таҳсил кўради.

Бундай маданий ҳамкорлик Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 15 декабрда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этилаётганидан нишонадир. Ўзбекистонлик яна 16 талаба Мисрга йўл олади.

Улар Миср таълим вазирлиги ажратган стипендия бўйича мамлакатнинг Қоҳира ва «Айн Шамс» университетларининг турли даражаларини олиш учун таҳсил кўрадилар. Бундан ташқари яна ўн толиб ва уч ўқитувчидан иборат бошқа гуруҳ ўқув йили давомида ана шу университетларда араб тили асосларини эгаллаш, малака ошириш мақсадида Қоҳирага жўнаб кетади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

МИСРДА ТАҲСИЛ КЎРИШАДИ

Хабарингиз борми?

УКРАИНА «ТАВРИЯ»ЛАРИ НАВОИЙДА

Бунга мисол қилиб уюшма билан украиналик машинасозлар ўртасидаги мол айирбошлаш бўйича яқин ҳамкорликни кўрсатиш мумкин. Ҳудди ана шу ҳамкорлик туфайли ҳозирдаёқ вилоятга 264 та енгил автомашина келтирилди..

Дарҳақиқат, вилоятда ғалла ўрим-йиғими якунланиб, пахта терими авж олган бир пайтда дастлабки енгил машиналар туркуми олиб келинди. Натижада илғор пахтакор, ғаллакор, чорвадорларни рағбатлантириш, уларни янги-янги меҳнат жасоратига ундаш анъанага айланиб қолди. Масалан, қисқа вақт ичида Навоий, Қизилтепа, Навбаҳор туманлари меҳнат илғорларидан бир гуруҳи «Таврия» автомашинаси билан мукофотланди.

Очиғини айтадиган бўлсак, бу келтирилган машиналарнинг ҳалигача пули тўланмаган. Бироқ олди-берди масаласи пулсиз маҳсулот олиш, яъни (кансигнация) йўли билан келишилган. Бунинг учун ҳар икки томондан вакиллар юборилиб, мол айирбошлашнинг вақти ва йўл-йўриқлари обдон ўрганилган.

Ҳа, худди шу келишувга асосан Навоийда «Таврия»лар муттасил кўпаймоқда. Нафақат енгил машиналар, балки пулсиз маҳсулот айирбошлаш йўли билан ғишлоқ хўжалик техникалари учун у ёки бу турдаги энг ноёб эҳтиёт қисмлар ҳам олиняпти. Шунга имконият туғиляптики, енгил машиналар ва эҳтиёт қисмларнинг эҳтиёждан ортиғини қўшни вилоятларга сотиш ҳам мумкин.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

ҚЎШНИ БОЛА — ҚЎШ БОЛАМ

Кечроқ эди. Уйимиз қаршисидаги гараж ортида ўспиринларнинг ўзаро баҳслашаётгани устидан чиқиб қолдик. Қўшни аёл билан ҳадик аралаш уларга яқинлашдик: 4-5 нафар ўспирин ва икки қиз даҳанаки жангга шай туришарди. Танидик — бари ўзимизнинг уйимизда яшовчи қўшни болалар.

— Нима гап, болалар, тинчликми? — уларнинг дадилроғига юзландим.

— Аралашманг, бетта «разбор» кетвотти, — деди бизни нари суриб давранинг тўрида ўтирган қиз.

— Гапингга «отвичать» қиласанми? Шарт шу: Нилу икковинг шесть секундда 100 долларни олиб келасанлар! — гап тамом, дегандек оғзидаги сигаретни четга улоқтириб карта чийлаб ўтирган қизга юзланди «жўрабоши» — Гуля, сан буларни «конвой»исан! Давай!

Улар ҳатто ёнларида катталар борлигига заррача эътибор бермай узоқ савдолашишди. Шовқин-суронга қўни-қўшни эркаклардан икки-учтаси йиғилишди. Фарзандлари уларнинг орасида йўқлигини билгач, жимгина уй-уйига тарқалишди.

Кимдир хабар берди шекилли, «ютқазган» қизнинг онаси пайдо бўлди.

— Санларга нима, текин томошами, — деди она ёшларни аҳратиб турган аёлларга. — Кўролмай ўлиб кетасанлар бизни, Бола меники, сенларга нима? Мана ўша юз доллар!

— Мама, мен ҳозир, — қизи оёғи остида гингшиётган итини етаклаб йигитчалардан бирини имлаб четга тортди. — Эртага давом эттирамиз, ҳарифлик қилиб юрма, ма... — қиз пулни ўспиринга тутқазиб, уйига бамайлиҳотир кириб кетди.

Ҳаммамиз ўзимизча баҳслашиб, бирор жиддийроқ бош қотирмай уй-уйимизга тарқалдик. Орадан ярим йил чамаси вақт ўтди. Қўшнимизнинг қизи уйидан чиқиб кетиб, қайтмабди деган шов-шув тарқалди.

Уни бизни кўролмаганлар ўғирлашган, кулганнинг бошига тушсин, — она бу даҳшатли воқеага шу йўсинда изоҳ берар, ўз-ўзини юпатарди чамамда.

Онанинг гапини эшитиб ўйланиб қолдим. Кўз ўнгимда эса ит етаклаган қиз гавдаланаверди. Аслида-чи? Кечагина бемаҳалда кўча-кўйда тентириб, дарс қолдириб, шаҳар томошагоҳларида кўнгилхушлик қилиб юрган фарзандига вақтида тўғри тарбия беришни ўйламаган она, бугун бутун айбни «кўролмаган»ларга тўнкашига унчалар ажабланмадик. Кўнгил сўраб чиққан аёллар ҳам «қўшнижон, ким ҳам кулярди сизга, ҳар ким қилса ўзига...» дейишди ҳамдардлик билан.

Шулар ҳақида ўйларканман болалик хотираларим жонланади. Эсимда, жуда ёш эдим. Боғимиздан қўшнимизнинг ўғилчаси бир бош узум олиб чиқиб кетаётганини кўриб қолдик. Дадам ойимни чақириб, бир челак узум уздирди-да, қўшнимизникига чиқартирди. Ҳалиги бола узумни кўриб, қизариб бир менга, бир онасига жовдираб қарарди. Дадам мени ёнларига чақириб «қизим, бу гапни ҳеч кимга айтма!» дедилар. Воқеани унутиб ҳам юбордик. Яна баҳор келди. Йўқ, дадам унутмаган экан. Ток очаётганида 4-5 қаламчани олиб, қўшни болани чақирди. Ҳовлиларига ўтиб, ток қаламчаларни боланинг ўзига эктирди. Кўчатлар кўкариб бир яхши бог бўлди. Ўша токлар ҳозир ҳам бор. Анча вақтгача мурғак тасаввуримда дадам нега бундай қилганини ўйлаб-ўйлаб тагига етолмагандим...

Ҳозирги ёшларнинг тарбияси ҳақида ўйларканман, дадамнинг нега бу воқеани ҳеч кимга айтма деганини ниҳоят англагандек бўламан. Энди билсам у киши шу йўсинда ҳалиги «ўғригина» болани тўғри йўлга бошлаган, тарбиялаган экан.

Лекин бугун-чи? Биз бўлсак маҳалла -кўйдаги болаларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб ўзимизда улар тарбиясига дахлдорлик ҳиссини туямизми? Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи ёшларнинг кечқурунлари бурчак-бурчакка тўпланиб карта ўйнашаётганини кўриб, уларнинг эртага нима билан машғул бўлишлари ҳақида бош қотирамизми? Йўқ, уларни кўрамиз, фақат «ҳозир замон бошқача, ёшлар ҳам замонавийда!» дея ўзўзимизни юпатиб, осонгина масъуллик ҳиссидан виждонан халос бўламиз.

Шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандимиз тарбияси, келажаги ҳақида қайғурамиз. Баъзан эса ота-она ўгитлари-ю, панд-насиҳатларидан ҳам бўлакча тарбия—теварак-атрофдаги муҳит фарзандимиз тақдирига катта таъсир кўрсатишини лоқайдлик туфайлими унутамиз. Ваҳолонки, болаларимиз мактаб, боғча, бизнинг назоратимиздан ташқари тенгқурлари даврасида ҳам нима биландир машғул бўлишадику?! Айнан шу «нима»дир гоҳида уларнинг ҳаётига салбий таъсир этади, нотўғри изга солиб юборади.

Бир киши донишманд ҳузурига келиб «Менинг кимлигимни, қандай одамлигимни айта олисизми» — дебди. Шунда донишманд «— Сен менга дўстингни кўрсат, кимлигингни айтиб бераман» деган экан. Энди изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Санда ЙЎЛДОШЕВА.

Биз билан бирга нусха кўчиринг!

ФИРМАСИ КАНОТ-С

Canon

нусха кўчириш машиналарининг янги оиласи билан таништирамиз

FC 230



FC 230

Қизиш учун вақт талаб этмайди. Бир дақиқада А4 4 нусха. Оғирлиги бор-йўғи 7 кг.
Баҳоси — 50.400 сўм.

NP 6012



NP 6012

Офис учун бекаму кўст нусха кўчириш машинаси. Бир дақиқада А4 12 нусха, қоғоз узатиш нови мавжуд, асл нусхаларни кичрайтириш-катталаштириш имконияти бор.
Баҳоси — 127000 сўм.

NP 6016



NP 6016

Қизиш учун вақт талаб этмайди ва автоматик тарзда электр тармоғидан ўчади. Бир дақиқада А3 гача 16 нусха, кичрайтириш-катталаштириш, А3 ва А4 учун қоғоз узатиш новлари кўзда тутилган.
Баҳоси — 217500 сўм.

NP 6025

Мураккаб офис ишлари учун юқори тезликдаги нусха кўчириш машинаси. Бир дақиқада А3 гача 25 нусха, қоғоз узатиш учун новлар ва ҳажм бункерлар мавжуд.
Баҳоси — 322000 сўм.

NP 6025



Шунингдек, хозиргача дунё бўйича кенг қўлланилаётган нусха кўчириш машиналари:

NP 1215 — 175000 сўм.
NP 1550 — 190000 сўм.
NP 6030 — 360000 сўм.
NP 4050 — 475000 сўм.
NP 6650 — 963000 сўм.

Диққат! Мижозлар учун хизмат кўрсатишнинг янги тури: буюртмалар пейджер бўйича қабул қилинади. Сервис маркази навбатчи пейджерларининг рақамлари — **864, 396**.

Бизнинг телефонлар: 41-30-51, 45-75-24; факс: 41-21-80



ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаётган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар:
"Дори-дармон" Тошкент, М. Мирзаўлатов кўчаси, 1-А,Тел. 48-27-74, 42-33-81.
"Ўзбекистон-Иверсон ЛТД" Тошкент, Фурқат кўчаси, 1.Тел. 45-12-49.
"Фармед", 700132, Тошкент, Ибрат кўчаси, 1. Тел.: 47-98-90, 47-98-94.
"Жўрабек" Тошкент, Олмазор даҳаси , 165 Тел.45-60-40,45-41-46.
"Қизил олма" дастури бўйича маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳақидаги бундан кейинги ахборотларни олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича қўнғирок қилинг:"Шеринг", Тошкент. С. Азимов кўчаси, 65.Тел.: 36-34-24, 33-37-30,
"Апджон" Тел.: 35-45-18.
"Эджзаджибаши" Тел. 78-56-51.
"Органон" Тел. 46-74-05.
Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юқорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Қизил олма" дастури офисига:
78-41-43 телефони бўйича қўнғироқ қилинг.

КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ- БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

"ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ



Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки (Хадра майдони)да 1995 йил 12 — 21 декабрда Ўзбекистон пойтахтида биринчи марта фақат 10 кун

ЛЕНИНГРАД ЦИРКИ — "БИЗ ПИТЕРДАНМИЗ" ТОМОШАЛАРИ

Дастурда:
Санкт-Петербургдан келган ўргатилган айиқлар, шоҳ кабутарлари, кучуклар, заҳарли ва баҳайбат илонлар, бошқа ҳайвонлар, азамат культуристлар, ҳаво гимнастлари, велофигуристлар, масхарабозлар ва бошқа артистлар қатнашадилар.

Томошаларнинг бошланиш соатлари:
16 — 17 декабрь (шанба — якшанба)да 12^{00}, 15^{00}.
12, 13, 14, 15, 18, 19, 20, 21 декабрда 10^{00} ва 14^{00}.

Тел: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-89.

ЛЕНИНГРАДЧИКЛАР СИЗНИ КУТАДИ. АЗИЗ ДЎСТЛАР!



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Рақс санъати усталари». Нарзиддин Шерматов.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.00 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари». Хиссадорлик жамиятлари фаолиятидан.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
11.00 «Сеҳрли най». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 — 13.00 «Тақдир инъоми». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Гаройиб бочка». Мультфильм.
18.20 «Мен туғилган тупроқ». Боғбон М. Мирсаидов.
18.40 «Санъат маскани». Беньков номидаги республика санъат билим юртининг 75 йиллигига.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
21.30 «Аҳборот».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Фотима ва Зуҳра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
23.05 Эстрада тароналари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Аҳборот».
23.50 — 00.25 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қодир Мирмуҳамедов.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчок».
18.55 «Таҳлил». Аҳборот кўрсатуви.
19.10 «Йўловчи ва транспорт».
19.40 «Шифокор билан мулоқот».
20.10 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
21.25 «Заковат». Ёшлар учун маърифий кўрсатув.
21.55 — 22.25 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оҳанглар — қалб ҳарорати». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.10 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Қалбда қуёш тафти».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Курьер».
21.10 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.20 «Постфактум».
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео—«О».

СЕШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Фотима ва Зуҳра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
10.40 «Ишбилармон».
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Абдужаббор Латипов куйлайди.
12.35 Немис тили.
13.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Юксалиш сари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Фан фидойилари». Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси Жондор Туленов.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Аҳборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Демократия ва оммавий ахборот воситалари».
21.25 «Излайман ҳамон». Ойбек лирикаси.
22.25 «Нафосат гулшани». Саодат Ҳайиталиева.
23.00 Қўл тўпи бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Аҳборот».
23.50 —00.50 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 «Теле-ателье-шоу».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Туҳсиқ кесув». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дидар» (қозоқ тилида).
20.55 «Мангулик ҳақида куйлайман». Владимир Михайлов.
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.15—23.15 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
9.30 «Умр мазмуни». Телеочерк.
10.00 «Маърифат маскани».
10.30 «Нон қадри». Кинодастур.
11.00 «Синфдош». Тележурнал.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
12.00 Тошкент Маданий оқартув билим юрти талабаларининг концерти.
12.30 «Ёшлик» студияси. «Ватанпарвар».
13.15—13.45 «Алифбо сабоқлари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.40 Спорт хабарномаси.

18.50 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ёдда қолган қўшиқлар». Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Аҳборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳур ўлканинг ҳур маликалари». Конституция кунига бағишланади.
21.40 Бир жуфт қўшиқ.
21.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Хоразм вилояти.
22.40 «Олтин мерос». Халқ артисти Олим Хўжаев.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Аҳборот».
23.50 — 00.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:

18.30 «Қайта туғилиш». Тошкентдаги 2-авторемонт заводи жамоаси ҳақида.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.15 «Кичик дебют». Киноактёр Тўхтасин Муродов.
19.45 «Тошкент оқшомида».
20.45 — 22.15 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ҳайкалтарош Қуттимуродов». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Табиат дунёси».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50—23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ.

ПАЙШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
9.15 «Ёшлик» студияси. «Хазина».
9.45 «Шифокор экрани».
10.15 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Наққош».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Мулкдор».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 «Севимли саройимизда». Республика ўқувчилар саройининг 60 йиллигига.
12.50—14.50 «Маърифат» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олам нурга тўлаверсин». Конституция кунига бағишланган адабий-мусиқий композиция.
18.50 «Кашф этилаётган имкониятлар». Қува тумани мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Баҳодир Эшонов билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Аҳборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Маърифатнома».
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий дастур.
22.20 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Ватан туйғуси».
22.45 Юнон-Рим кураши бўйича Халқаро турнир.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Аҳборот».
23.50 — 00.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия (Ҳиндистон).

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:

18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Катта пойга», «Шатранж». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Оқ соя».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Безнен мирас» (татар тилида).
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
22.15—23.15 «Опера қаҳрамонлари олами».

ЖУМА, 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия (Ҳиндистон).
9.15 Конституция кунига. «Адолат қомуси». Видеофильм. I-қисм.
9.40 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?». Мусиқий композиция.
10.10 «Адолат қомуси». Видеофильм. 2-қисм.
10.40 Болалар учун фильм. «Ҳаворанг атиргул».
11.55 «Адолат қомуси». Видеофильм. 3-қисм.
12.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.05—13.35 «Ҳурлик Насими». Конституция кунига бағишланган адабий композиция.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат гунчалари».
18.40 «Адолат қомуси». Видеофильм. 4—5-қисмлар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Аҳборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эрк ва иродамиз мухрланган сатрлар».
21.25 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Аҳборот».
23.50 — 00.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия (Ҳиндистон).

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:

18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт.
20.00 «Ҳуқуқий давлат Конституцияси».
20.30 «5+1». Усмирлар учун кўрсатув.
21.00 — 22.10 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Дивўрим мадҳи». 1-қисм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.25 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Автосалон».
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Теле-ателье-шоу».
23.10 Видео янгиликлари.
23.30 — 23.40 «Даракчи». Аҳборот кўрсатуви.

ШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия (Ҳиндистон).
9.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
11.55 «Болалар меҳмонхонаси».
12.35 «Хотира». Адҳам Ҳамдам.
13.10 «Қувноқ стартлар».
13.55—15.55 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
19.05 «Салом, ёшлар!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Эълонлар.
20.15 «Ишингиз бароридан келсин!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Аҳборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Имкон чўққилари».
21.15 «Репортаж». О. Мўминовнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.35 «Юлдузли онлар». Дам олиш дастури.
22.35 Футбол шарҳи.
22.50 «Барчани кулдириб». Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган кеча.
23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси тақдимида:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Янги иқтисод».
19.45 «Пульс». Хабарлар.
20.00 «Менинг кўчам».
20.15—21.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Диёрим мадҳи». 2-қисм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Икки заранг дарахти». Бадиий телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ён қўшним, жон қўшним».
10.40 Камер куйларидан концерт.
11.15 «Шаҳзода ва гадо». Болалар учун фильм.
12.30 — 13.00 «Аскар мактублари».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.00 «Қийматва қиммат».
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.05 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.15 — 22.55 «Чет эл фильмлари юлдузлари».

ЯКШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Аҳборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.45 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
12.25 «Акаиро». Мультфильм.
12.45 «Театр учрашувлари». Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг 75 йиллигига.
13.30—16.20 «Бутунжаҳон футбол ўйинаган кун». БМТнинг 50 йиллигига бағишланади.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Маҳалламиз болалари».
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.55 «Бутунжаҳон футбол ўйинаган кун». БМТнинг 50 йиллигига бағишланади.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—01.20 «Бутунжаҳон футбол ўйинаган кун». Спорт кўрсатувининг давоми.

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:

10.00 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Оламнинг яратилиши».
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».
* * *
17.00 «Палитра».
17.30 Эълонлар.
17.35 Видео — «О».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Курьер».
19.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
19.50 «Постфактум».
20.00 «Компьютер-Осиё».
20.30 Видео янгиликлари.
20.50 «Теле-ателье-шоу».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Даракчи».
21.15 Эълонлар.
21.20 — 23.00 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Тошкенбоев дорбозлари». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 «Панорама».
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун дастхат». Насиба Абдуллаева.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли булсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам...».
10.45 «Жонли сайёра».
11.05 «Аниқ ерга қўниш». Телефильм.
11.30 «Дарвоқе...».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.50—14.30 «Газалхон ёшлигим».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Теэлик — менинг орзуим». Телефильм.
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Би-Си-Си» янгиликлари.
21.30 «Дунё ва болалар».
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.30—22.50 «Подиум».

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ **"ТОШЭКСПЕРТИЗА"** ФИРМАСИ

ТИЖОРАТ ВА ОЛДИ-СОТТИ ИШЛАРИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН, ҚУЙИДА МИСОЛ КЕЛТИРИЛГАН БИР ҚАТОР НОҚУЛАЙЛИКЛАРДАН СИЗНИ ХАЛОС ЭТАДИ.

БИРИНЧИ ВОҚЕА:
республикамиздаги фирмалардан бирига хориждан тонналаб импорт пиво жўнатилган эди. Ҳужжатлари жойида, автоуловга пломба урилган. Бироқ юк етиб келгач, очиб қарашса, юкнинг деярли ярми йўқ. Ноилож қолган соҳиб "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этди. Аммо энди кеч эди.

— Машинадаги пломбани бизнинг иштирокимизда очишганида эди, бу муаммо ижобий ҳал этилган бўларди, яъни ўртадаги чиқимни қонуний йўл билан чегириб ташлаттирган бўлардик, — дейди идиш ва озиқ-овқат бўлими бошлиғи Ҳусниддин Ризметов.

ИККИНЧИ ВОҚЕА:
яна бир фирмага ўзга юртдаги ҳамкоридан дераза учун ойналар жўнатилади. Юк етиб келгач, буюртмачи контейнерни очиб қараса, ойналар бир-бирига ёпишиб ётибди, ажратишнинг ҳеч иложи йўқ. Ёки яна бир ташкилотга ҳам шу йўсинда ойна келган. Бироқ ойналарнинг барчаси синиб, бир уюм ташландиққа айланган. Уларнинг соҳиблари ҳам "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этган. Лекин ғишт қолипдан кўчган эди.

— Негаки, улар контейнер пломбасини экспертларимиз иштирокида очишлари керак эди. Улар эса... Қанийди, барча ҳужжатлаштириш ишлари биз орқали расмийлаштирилса ва юклар экспертларимиз иштирокида қабул қилинса, юртдошларимизнинг сиҳи ҳам, кабоби ҳам куймасди, — дейди уй-рўзғор ва маданий моллар бўлими бошлиғи Карина Авакянц.

УЧИНЧИ ВОҚЕА:
бир тижоратчи аёл Челябинскка жуда кўп телпак олиб борибди. У ёқда божхона ходимлари ушлаб, молини "ҳибс"га олишибди. Чунки маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги ҳужжатлари йўқ экан-да. Бу аёл ҳам Челябинскда қолган молини ундириб олиш учун "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этган.

— Ўзбекистондан четга мол олиб чиқишдан аввал бизга мурожаат этганида эди, қонун буйича ҳужжатлаштириб берган бўлардик. Қарабсизки, бож ва солиқ тўловлари имтиёзли бўларди. Бундан ташқари тижоратчи юқоридагидек аҳволга тушмасди, — дейди (республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тасдиқлаш) сертификат бўлими бошлиғи Баҳодир Махсумов.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!

"ТОШЭКСПЕРТИЗА" директори Тоҳиржон Асадовнинг таъкидлашича, фирма бутун дунё сертификатлаштириш бюролари билан ўзаро ишончли алоқаларда иш юритади. Улар фирма расмийлаштирган ҳар бир ҳужжатни тан олади. Чунки фирма шундай ҳуқуққа эга.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, барча муассаса, корхона, ташкилот ва фирма раҳбарлари! Ўзбекистондан мол олиб чиқиш ва четдан маҳсулот олиб келиш борасидаги ҳужжатлаштириш ишларида "ТОШЭКСПЕРТИЗА" сизга ҳамкор бўлади ва бу борада ўз хизматларини таклиф этади. Масалан, озиқ-овқат, хўжалик-атторлик, фармацевтика, атир-упа, оргтехника, саноат моллари, тикув буюмлари, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг сон ва сифатини текширувдан ўтказиш, маҳсулотларнинг либ чиқиши тўғрисидаги сертификат ҳамда мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, шунингдек, арбитраж ҳуқуқи берилган лабораторияларда тадқиқотлар ўтказади. Турли тижорат ишларида қуйди-чиқдидан ҳоли бўлай десангиз "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этинг!

Мурожаат учун телефонлар:
39-48-07, 33-02-67, 36-11-83, 33-02-89, 36-34-10, 33-40-05.
Манзил:
Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 16[а] уй.
Мўлжал: собиқ милиция мактабининг қаршисида.

Эҳтиром

ТЎЙЛАР МУБОРАК, ЭЙ ЁРИ ЖОНИМ, ТЎЙХОНА БЎЛСИН, ҲАР ХОНАДОНИМ.



Тўхтасин Жалилов мусиқа санъати хазинасини бебаҳо дуру гавҳарлар билан бойитолган ўзбек миллий мусиқали драмасини ойдин йўлга олиб чиқолган аллома бастакордир. Унинг «Равшан ва Зулхумор», «Тоҳир-Зуҳра», «Алпомиш», «Фарғона ҳикояси», «Нурхон», «Гул ва Наврўз» каби такрорланмас асарларининг қадри беқиёсдир.

Тўхтасин Жалилов чин маънодаги халқ бастакори эди. У танбур, дутор тароналари, ғижжак наволари, най нолалари билан қалбларни забт этолган ижодкордир. Набижон Ҳасанов, Сайиджон Калонов, Ғанижон Тошматов, Дони Зокиров, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова ва яна кўплаб эл суйган санъаткорларнинг бошини қовуштириб, уларга мураббийлик қилган инсон ҳақидаги ибратли хотиралар санъат мухлисларига куч ва завқ бағишлайди.

«Дадам ниҳоятда камтар, камгап одам эдилар. У кишининг овозларини деярли эшитмасдик,— деб хотирлайди устознинг қизлари Холида Жалилова.— Янги асар ўқиладиган куни уйимизда тўй, катта байрам бўларди. Ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар тўпланишарди. Асарни кўпинча Раззоқ Ҳамроев ўқирдилар. Биз эса драманинг яхши ёки у қадар маъқул келмаганлигини меҳмонларнинг чеҳрасидан, кайфиятидан билиб олардик. Онам раҳматли ниҳоятда пазанда эдилар. Дадам 1934 йилда Андижондан Тошкентга келган бўлсалар, бир умр кўп қаватли уйда яшаганлар. Навоий кўчасидаги 4 хонали уйимида 6 бола яйраб катта бўлганмиз. Ижод ҳам, меҳмондорчилик тўхтамаган. Дадам нотани асосан кечаси тунги 12 дан сўнг эрталаб 6 гача ижод қилардилар. Дадам яхши шароитда ишлашга ўрганмаганди. Бир марта эсимда: республика пахта планини бажариш арафасида шахсан Усмон Юсупов дала ҳовлисига таклиф қилиб янги нарса ижод қилишларини топширганди. Шунда дадам бир ҳафта зўр шароитда яшаб ҳеч нарса ёзолмаган. Холхўжа акамга: «Қани юр, ўғлим, уйдан бир хабар олиб келайлик» деганлару, уйга келиб аямга бир чойнак чой дамлатиб бир кечада Акмал Пўлатнинг учта шеърига кўшиқ ёзгандилар».

Шу кунларда халқимиз ялпи Тўхтасин Жалиловнинг 100 йиллигини нишонлаяпти.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, устознинг азиз фарзандлари Холхўжа Тўхтасинов, Эътибор Жалилова, Деҳқонбой Жалиловлар ҳам бугун орамизда йўқ. Минг шукурки, Ўзбекистон халқ артисти Салоҳиддин Тўхтасиновнинг сози янграб турибди. Холида опа эса 34 йилдирки, талабаларга мусиқа сирларидан сабоқ бериб келмоқда. 9 ёшли эвараси Улуғбек доира чалиб синглиси 7 яшар Азизани рақсга чорламоқда.

Зеро, санъатга ошнолик—эзгуликка ҳамрозликдир. Санъаткорлар сулоласи бўлмиш Жалиловлар хонадонининг чироғи ҳамиша порлаб турсин.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

«КИТОБ» ЎЙЛАНМАСИ

Жавоблар шаклида белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Шеърнинг ҳар сатри.2. Шоир шеърларининг қофия ва радифларга кўра нашр этилган тўплам. 3. Китоб нашри тури. 4. Мукаммал, тўлиқ луғат нашри. 5. Тошкентдаги нашриётлардан бири. 6. Болалар ва ўсмирлар нашриёти. 7. Қадимда Туронзаминда ноёб китоблар сақланган жиҳоз.8. Энг дастлабки дарслик. 9. Кичик ҳажмли нашрнинг номи. 10. Шу куннинг муҳим масалалари—ижтимоий-сиёсий руҳдаги насрий баённома. 11. Халқ орзу-умидлари рамзий маънода ҳикоя қилинувчи воқеа. 12. Китобнинг маълум бўлаги. 13. Қофияланиш тартибига эга бўлган шеър бўлаги. 14. Китобни безатувчи санъаткор. 15. Йирик шеърий асар.16. Қадимда китобнинг безатилган биринчи саҳифаси қандай аталган. 17. Туронзаминдаги энг қадимий китоб. 18. Асарни нашрга тайёрлаш ҳолати. 19. Китоб бети. 20. Республикамизда сўнгги йилларда ташкил этилган нашриёт. 21. Бирор тилдаги сўзларнинг маъноси жамланган китоб. 22. Китобнинг якунланган қисми. 23. Маълум нашрга аввалдан аъзо бўлиш. 24. Китоб нашрининг ҳар бир донаси.

МУАММОНОМА

Аввал қуйидаги китоблар ҳақидаги ҳикматларда яширинган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Ойбек:

Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини 18, 1, 11,1,5, авлодларга мерос қолдиради.

2. Мирзо Абдулқодир Бедил:

Эй, ҳаёт мазмунин излаган 16, 7, 2, 10

Ҳар бир китоб сатрини дилга қил малҳам

3. Дилшод Отин:

Очсангиз варағини кўрингусидир турфа боғ.

Жилва бергай кўзингизга 13, 2, 4, 5, 2, 15, 16, 3 фасли бу чоғ.

Шодлик босиб кўнглингни ҳеч қолдирмайди доғ,

Доим бўстонни яшнатувчи боғбондур китоб.

4. Қуддус Муҳаммадий:

Бир китобни ёзгунча,

Талай умр сарф этиб,

Кези келса тунлари,

Уйқусини 8, 2, 3, 14 этиб.

5. Шайх Носиф:

Китоб етказур кишини бахтга,

16,10, 16,9 соҳибини кўтарар тахтга.

6. Вильям Шекспир:

Қоғозга туширинг, ҳеч неки агар,

Ёдингизда тура олмаса узоқ,

Ёдингиздан чиққан жигарпоралар,

Сиз билан учрашар ва бўлар 1, 13, 16, 6

7. Ойдин Ҳожиева:

Оддий қоғоз эмас, асли китоблар —

Тафаккурдан туғилган 15, 12, 3 офтоблар!

8. Шоислом Шомуҳамедов:



Ҳаётдаги энг лаззатли олим,

Китоб биландир роҳати 17, 16, 13, 1, 10.

Энди жавоблар асосида шакл катакларидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг.

Бунда икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

Қозон тагига ёпишиб қолган шўрва кўпигини кетказиш учун шўрвага озгина сув қуйсангиз кўпик шўрва устига қалқиб чиқади.

* * *

Тумов бўлиб қолганда саримсоқ ҳам дардни олади. Саримсоқнинг икки-уч бўлагини ажратиб, пўстини тозалайсиз. Уни ўткир пичоқ билан яхшилаб майдалайсиз, докага ўрайсиз. Ҳидини димоғингизга тортасиз. Димоқдан нафас олишингиз енгиллашади. Тумовингиз арийди.

* * *

Қизил лавлаги ҳам томоқ оғриғига даво бўла олади. Лавлагини ҳомлигича қиргичдан ўтказинг. Шарбатини сиқиб пиёла ёки стаканга солинг. Озгина унга илиқ сув қўшинг. Сўнг у билан томоғингизни бир ғарғара қилиб чайинг. Бир зумдан сўнг оғриқ қолади.

* * *

Саримсоқ сувини атир сувига қўшиб, ошхона ва уй ичига кукун қилиб сепсангиз, ошхона ва уй ичидаги барча бактерияларга қирон келтиради, ҳам нохуш ҳавони тозалайди, куйинди ислар йўқолади.

Спорт

САМБОЧИЛАР ЗАФАРИ

• ҚИРҒИЗИСТОН пойтахтида полиция ва милиция ходимларидан иборат полвонлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.

Биринчи марта уюштирилган нуфузли бу мусобақада мамлакатимиз самбочиларидан 52 килограмм вазнли Р. Ким, 62 килограмм вазнли Д. Фармонов ҳамда вазни 74 килограммли А. Қурбоновлар жаҳон чемпиони номига сазовор бўлишди. Мусобақада ўн бир мамлакатдан тўпланган 50 дан ортиқ курашчи ўзаро беллашди.

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ

• ТОШКЕНТДАГИ армиячилар спорт мажмуида генерал Собир Раҳимов хотира-совғини учун навбатдаги халқаро мусобақа якунланди.

Марказий Осиё ҳамда МДҲ мамлакатларидан келган 200 дан зиёд полвон курашнинг юнон-румо турида беллашиб, фахрли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилди. Мусобақада вакилларимиз муваффақиятли куч синашдилар. Жумладан, тошкентлик Руслан Сундеев олмаоталик Ёдгор Равшановни ҳал қилувчи учрашувда енгиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Шунингдек, Руслан Биктянков, Дмитрий Коршунов, Роман Левченко, Баҳодир Қурбонов, Зафар Очилов, Исомжон Кенжаев, Шуҳрат Саъдиевлар вазнларига кўра совриндор бўлишди. Қозогистонлик Раҳим Асимбетов билан Василий Серих ҳам маҳорат кўрсатишди. Мусобақа келаси йили Атлантада бошланадиган олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бирига айланди.

УСТОЗ ХОТИРАСИ

• САМАРҚАНДда мамлакатимизда боксни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Сидней Жаксон хотирасига бағишланган анъанавий мусобақа бўлиб ўтди.

Совриндорлик баҳсида Қозогистон, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари ўзаро курашдилар. Биринчи ўрин деярли юртдошларимизга насиб этди. Хусусан, самарқандлик Маҳмуд Жуманиёзов, Комилжон Шукуров, Роман Понарин, бухоролик Улуғбек Баратов билан Отабек Раҳимов ҳамда жиззахлик Алишер Раҳимов, Андижондан Тулқин Турғунов билан Руслан Чағаев, Жиззахдан Асқар Султонов, тошкентлик Ян Кулков ва қўқонлик Жамол Сайфуллаевлар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди.

The ***American Embassy*** is seeking several people with an excellent command of the English language for various positions at the Embassy. Candidates are invited to submit their resumes or CVs reflecting education, work history, language skills and contact telephone number to the Embassy at 82 Chilanzarskaya St., Tashkent.

VACANCIES

We are seeking for:

1. **Translator** who has a profound knowledge of written as well as spoken English, Uzbek and Russian.

Requirements: at least 5 years of experience of activity as translator — interpreter, ability for work on PC.

Biography, Curriculum Vitae, Academic Diploma, Medical Certificate, Copy of Passport and two photos must be enclosed to the to the application and submitted to our office within a week after publication from 9 AM to 5 PM (Monday-Friday).

Our address: 6, Murtazaev Street, Entrance VI, 8th Floor, Tashkent.

2. **Guard and Driver.**

УМРИНГИЗГА ЗАВОЛ БЎЛМАНГ

«Бутун дунё «ОИТС (СПИД) касаллигига қарши курашиш» куни деб эълон қилинган тадбир ер шарида 1987 йилдан бери ўтказилади. Унинг бу йилги шиори «Тенг ҳуқуқ ва баробар масъулият».

Дунё бўйича инсон ҳуқуқи ва жамият олдидаги жавобгарлиги бир хил бўлсагина ОИТС (СПИД) касаллигига зарба бериши мумкин. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бош директори доктор Хироши Накаджиманинг фикрича, инсон СПИД билан касалланганми ёки йўқми ҳаммаси тенг ҳуқуқли. Шу билан бирга бу касалликнинг олдини олишда ҳам жамият олдида тенг жавобгардир.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти СПИД касаллигининг тарқалиб кетаётганлигини ҳисобга олиб дунё миқёсида ўтказилаётган профилактик чора-тадбирларга қарамай СПИД йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Бу эса жаҳон халқларининг саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг шу йил 30 июнгача бўлган маълумотига кўра, дунё бўйича 1.169811 та СПИД касаллиги ҳисобга олинган. Шундан Америка қитъасида 580129 та, Африкада 418051 та, Оврўпада 141275 та, Осиёда 23912 та, Океанияда 6444 та. Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим мамлакатларда касалликни ҳисобга олиш ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига хабар бериш йўлга қўйилмаганлиги туфайли бу ташкилотнинг экспертлари касалликнинг ҳақиқий сони 4,5 млн.дан, одам иммунитети танқислиги вируси билан зарарланган шахслар сони 20 млн.дан ошиб кетди демоқдалар. Ҳозирги кунда СПИД вируси билан дунё бўйича ҳар куни олти минг одам зарарланмоқда.

Республикамизда бугунга қадар СПИД вируси билан оғриганлар сони 35 тани ташкил этади. Шундан 26 таси хорижий давлатлардан келганлардир.

СПИД вируси аста-секинлик билан инсон танасига таъсир қилади. Унинг яширин даври йиллар билан ҳисобланиб, ўн беш йилгача давом этиши мумкин. Бир марта зарарланган одам бир умрга касаллик вирусини ташиб юрувчи бўлиб қолади. Вирус одамнинг мияси, жигар, талоқ, тери, суяк мияси ва бошқа аъзоларнинг ҳужайраларига кириб, Т — лимфоцит деб аталувчи организмнинг иммун тизимини барқарор қилиб турувчи ҳужайраларни ишдан чиқаради. Натижада дарднинг бошланғич белгилари пайдо бўлади — лимфатик безлар шишади, кучли терлаш, йўтал пайдо бўлади. Беморнинг иссиғи кўтарилади. Узоқ вақт давомида ичи кетади. Охирида турли тошмалар пайдо бўлиб, бемор жуда тез ўз вазнини йўқотади. Вақтида даволанилмаса, ўлим билан тугаши мумкин.

Жаҳон статистикаси бўйича қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, СПИД билан оғриганларнинг кўп фоизи алоқа орқали касалланганлардир. Ваҳолонки, хасталикнинг қўзғатувчиси озиқ-овқат маҳсулотлари, уй анжомлари орқали юқмайди. Бемор қўл бериб кўришганда, гаплашганда ва ҳатто ўпишиб кўришганда ҳам касаллик юқмаслиги аниқланди. Шундай экан, ҳар ким касалликнинг олдини олишдаги масъулиятини ўзи ҳис қилиши лозим.

Республикамизда СПИДнинг олдини олиш бўйича республика маркази, шунингдек, вилоят марказлари ишлаб турибди. Улар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилмоқдалар. Халқимиз соғлом, бақувват, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши керак. Бу соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Бунга нафақат тиббиёт ходимларининг имкониятлари билан, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг онгли, фаол иштироки билан эришиш мумкин. Зеро, республикамиз фуқаролари қанчалик соғлом, бақувват бўлсалар, мустақил давлатимиз шунчалик мустаҳкам ва бой бўлади.

Тўра МИРЗОАҲМЕДОВ, республика СПИД маркази бош шифокори муовини.

"РАҲИМИЙ ВА ЎҒЛИ" ФИРМАСИ

Чет элда пишлаб чиқарилган R 13, R 14, R 15, R 16 русумдаги фойдаланилган

АВТОШИНАЛАРни сотиш учун **В А К И Л** излайди.



МИЛЛИОН ТОШИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Телефонлар: 45-79-81, 45-79-96, 45-84-54. Факс: 45-84-45.

Тақдир сўқмоқлари

ЯРАЛАНГАН ЮРАКЛАР

Бу шаҳар ҳудди арининг уяси: ҳар ким ҳар ёққа шошилади. Машиналар дарёсидан одамнинг кўзи тинади. Аммо буларга Солижон бепарво. Унинг шошадиган ери, борадиган иссиқ кулбаси йўқ. Меҳмонхонага борсинми, бирпас кутубхонада ўтирсинми? Қишлоққа қайтса-чи? Қайтса — тани нақд дўзахнинг оловида ёнади. Кеча келган дўсти балки ҳазиллашгандир. Унинг ҳунук хабар эшитишга асло тоби йўқ. Зебиси бундай қилмайди! Яна қайдам?!

Фалакнинг гардиши шунчалик ўтки, ҳўл-қуруқни аямайди. Агар Зебидан ажралиб қолса қандай яшайди? Йигит шундай ўйга бориб, тутоқиб кетди, қатъий фикрга келгандек бўлди: «Ҳаммасини унутиш керак! Аммо қандай қилиб? Унинг бунга ҳаққи бормикин?»

Солижон меҳмонхонага борганда шаҳарга шом қўнганди. Беҳолгина хонасига кираркан, кўзи хушбичим йигитга тушди. Тўғриси, йигит унга шу лаҳзадаёқ ёқмади: унинг қарашларида маккорлик шундоққина сезилиб турар, олифталиги ундан ҳам ошиб тушарди.

— Салом, мулла ака, — дея унга пешвоз чиқди йигит. —Ҳамхонам ўзимга мос тушармикан деб тургандим. Ўйловим тўғри чиқди.

Солижон йигитнинг ингичка овозидаги гапларига парво қилмай столга разм солди: чала ичилган арақ, бурдаланган колбаса, яна алламбалолар.

— Юз граммдан отамизми?

Солижон танидаги дардни ошкор қилмаслик учун йигитнинг бу таклифига йўқ демади.

Улар оз-оз ичишди. Қулоғи қизиган йигит Солижонга, ановиларга қалайсиз, деди муғомбирона оҳангда.

Солижоннинг юрагига қил сиғармиди. Шу боис:

— Кўнгилхушликни айтсангиз, ҳафсалам йўқ, — деди.

— Эҳ, садағангиз кетай. Шу-да, олим бўламан деганлар фақат илмни ўйлашаркан. Бизга эса аъло кайфият керак. Тижоратга худонинг ўзи қуш-қўллаб бераверса бас.

Солижон йигитнинг кимлигини энди билди: ўндан тўққизни урадиганлардан бири, аёлларга уч. Меҳмонхонага келгунча хонадан бир жувоннинг чиққанлигини сезмаган экан-да.

— Ҳай, майли, биз энди ётиб дам оламиз, — деди ҳамхона. Солижон эса тамаки ҳиди ўрнашган хона эшигини очиб, ташқарига қаради: ҳавони қалин булут қоплаган, юлдузлардан эса ном-нишон йўқ. Унинг юраги ҳам худди юлдузсиз тунга ўхшарди...

Яқин орада Зеби тўй бўлармиш? Дўсти олиб келган бу хабардан ўз ёғига ўзи қовурилар, кўксини нимадир аёвсиз кемирар, охирги учрашувда дилидагини Зебига айтмаганлигидан армонда эди Солижон. Хонада у ёқдан бу ёққа юрди.

— Ҳа, мулла ака, бесаранжом кўринасиз?

Йигитнинг бу гапи Солижонни ҳушёр торттирди,

— Ҳаётдан кўнглингиз совуганми? Тўрт кунлик дунёда ўйнаб кулинг.

Бу гаплар Солижоннинг қулоғига кирмас, унинг хаёли Зеби билан банд эди. «Бахтимни бой бериб қолганмиш...

Солижон ҳамхонасининг виқор билан гапираётганидан ўта нафратланди. «Бу қайтар дунё, ука! Сенинг ҳам синглинг, қизинг бордир. Ўша қизнинг бошига тушгани уларда ҳам такрорланса, ҳолингга маймунлар йиғласа ажабмас», демоқчи бўлди-ю, лекин андишага бориб тилини тийди. Аммо ўша қиз Зеби бўлса-чи, деган тахминга борарди.

— Айтинг-чи, ҳаётда бирор кишини севганмисиз, хотинингизга яхши кўриб уйланганмисиз?

Солижоннинг даб-дурустдан берган саволи йигитни каловлантириб қўйди.

— Ҳим... севиш бошқа, уйдаги хотин бошқа... ҳарқалай аёл-аёлда, ҳамма гапимга ишонади. Егани олдида, емагани...

— Ҳа, ҳамма гап шунда-да, — Солижон ҳўкумга ўтди. — Сиз бу ерда, келин эса...

— Шу гапни тап тортмай айтаяпсиз-а? — Йигит ғазабланди.

— Ҳа, айтдим, қўйдим-да. Ҳаёт мураккаб, севиш-севилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, ука.

Орага жимлик чўкди. Йигит хомуш хаёлга чўмди. Солижон эса чироқни ўчириб ўрнига чўзилди. Лекин, тикан устида ётгандек, узоқ вақт ухлолмади. Яна кўз ўнгида Зеби пайдо бўлди. Қиз гўё дилисиқ, марҳум онаси ҳам худди шундай хушбичимгина бўлган бўлса ажабмас. Э воҳ, бу кеча унинг арвоҳи чирқирашини, эрини, мени лаънатлашини сезиб турибман. Нима қилай, ҳаммаси учун қари бувимни қарғайман. Отаонам бўлганда мен бунга рози бўлармидим? Мен сизни яхши кўрардим, аммо пинҳон тутардим. Пешонамга сиздек эркак битилмаганидан ўксинаман. Тўғрисини айтсам, сизнинг ҳатти-ҳаракатингиз менга ёқарди. Сезардим, илмий раҳбарингиз муваффақиятингиздан қизғанарди. У сизга ҳасад кўзи билан қараганда фиғоним ошарди.

Севишингизга мудом умидвор юрардим. Баъзан ишга маҳзун келганингизда ичингиздаги дардни сезардим, юпатиш пайида бўлардим. Сиз эса парво қилмасдингиз, дилимдагини мен ошкор айтолмасдим. Мана, орадан бир йил ўтди. Ўтган кунлар мен учун орзулардан ясалган арғимчоқ эди. Унда ҳузур қилиб учардим. Учардиму, лекин алданганимни сиздан сир тутардим, оилангизни ўйлардим. Сиз эса менга мудом меҳрибонлик ила тўғри йўл кўрсатардингиз. Ҳаётга умидим ошарди. Ҳаммаси тамом бўлди. Энди ўзим суймаган бегонанинг оғушида бўламанми? Ахир, бўйи етган қизнинг она дейиши қанчалар оғир ботади менга. Энди кўкдаги юлдузимни кўролмасангиз керак!»

Йўқ, йўқ, йўқ!!!

Солижоннинг бўғзига нимадир тиқилгандек, овози чиқмас, ҳамхонаси эса донг қотиб ухларди. Солижон стакандаги сувдан хўплади.

Зеби Солижоннинг бошидан ўтганларини қандай билдийкин? Ахир, азоб-уқубат билан катта бўлгани, олим бўламан деб кутубхонама-кутубхона югургани, ўрнини босадиган фарзанди йўқлигини — ҳамма-ҳаммасини қандай билдийкин? Ўртаниб, куйиб, баъзан ўтириб йиғлаганини, толеи бунчалик пастлигини бирорта сирдошига айтмаган-ку. Қайси гуноҳлари учун унга яна тангри Зебини дариғ тутмоқда? Олим бўлиш қочмас, яраланган юракка малҳам бўлиш даркор. Бунинг учун журъат етарлими унда? Одамларнинг гап-сўзи-чи?

Сен меники бўласан, Зеби. Албатта улгураман!

Солижон дарпардани тортди. Тонг отишига анча бор. Нарсаларини жомадонга жойлади. Пишиллаб ухлаб ётган йигитга сездирмай кучага чиқди. Ҳаво шишадек тиниқ эди...

Даврон БАҲРОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми ва Фанлар академияси ходимлари касаба уюшмасининг республика қўмитаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Меҳнат қаҳрамони, кимё фанлари доктори, профессор

Собир Юнусович ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси ўзбек матбаачилигининг асосчиларидан бири, матбуотимиз фахрийси

Юнус Юсупович ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси жамоаси жамғарма директори шоир Ҳамроқул Асқарга қизи

МАДИНАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси «Ўздавқишлоққурилишлойиҳа» институтининг директори

Абдураҳим ИБРАГИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтосаноат» уюшмаси жамоаси уюшма раисининг муовини Шоаҳрор Шомақсумович Шомансуровга онаси

Зурахон ШОМАНСУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғу изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашманинг автохўжалик бўлими ҳайдовчиси

Султонмурод Тешабоевич ЛАТИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.